

I. ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ҚУРИЛИШ

2018 йилнинг январь-сентябрида республиканинг асосий капиталини кўпайтиришга 3661,6 млрд. сўм микдорида инвестициялар киритилиб, ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати 151,1 фоизни ташкил қилди, шундан хорижий инвестициялар 947,2 млрд. сўмни ташкил этди.

Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг тақсимланиши

	млрд.сўм	ўсиш суръати, %	якунга нисбатан фоиз
--	----------	-----------------	----------------------

Асосий капиталга киритилган инвестициялар	3661,6	151,1	100,0
--	---------------	--------------	--------------

шу жумладан:

Марказлашган инвестициялар:	1470,1	285,2	40,1
------------------------------------	---------------	--------------	-------------

бюджет маблағлари	98,4	46,3	2,7
давлат мақсадли фонд маблағлари	293,4	116,6	8,0

тикланиш ва тараққиёт фонди маблағлари	504,5	750,0	13,8
болалар спортини ривожлантириш фонди маблағлари	11,5	100,6	0,2

хукумат кафолати остида чет эл кредитлари	562,3	4207,8	15,4
---	-------	--------	------

Марказлашмаган инвестициялар:	2191,5	114,1	59,9
--------------------------------------	---------------	--------------	-------------


	млрд.сўм	ўсиши суръати, %	якунга нисбатан фоиз
корхоналарнинг ўз маблағлари	1026,8	112,3	28,1
аҳоли маблағлари	372,4	88,7	10,2
тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар	384,8	166,1	10,5
тижорат банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	407,5	121,2	11,1

2018 йил январь-сентябрга асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркиби

	жами	давлат	нодавлат
Жами, млрд. сўм	3661,6	474,8	3186,8
<i>ишу жумладан: умумий ҳажмга нисбатан фоиз кўринишида</i>			
курилиш-монтаж ишлари	1980,8	379,7	1601,1
машина, ускуналар, транспорт воситалари ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлари	1157,0	61,4	1095,6
Бошқа ҳаражатлар	523,8	33,7	490,1

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркибининг тузилиши 2017 йилнинг январь-сентябрига нисбатан қурилиш-монтаж ишларининг улуши 13,2 фоизли пунктга кўпайган, машина, ускуналар, транспорт воситалари, ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлари қиймати улуши 12,6 фоизли пунктга камайган ва бошқа ҳаражатларнинг улуши 0,7 фоизли пунктга камайган.

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича асосий капиталган киритилган
инвестиция ва кредитлар**
(умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)



Ижтимоий соҳа обьектларини қуриш

2018 йил январь-сентябрида умумий майдони 568,0 минг кв.м. бўлган 4135 та
уй-жой (2017 йилнинг январь-сентябрига нисбатан 108,1 фоиз) шу жумладан
қишлоқ жойларида 220,1 минг кв.м., 1888 уй-жой фойдаланишга топширилди.
Ноишлаб чиқариш соҳасига киритилган инвестициялар ҳажмидан 599,3 млрд.сўми
ёки 62,8 фоизи туар-жой қурилишида ўзлаштирилди.

Умумтаълим мактаблари қурилишида 24,1 млрд. сўм атрофида инвестициялар
ўзлаштирилди, бу ноишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг
2,5 фоизини ташкил қиласди.

Соғлиқни сақлаш обьектлари қурилишида 52,8 млрд. сўмлик инвестициялар
ўзлаштирилиб, бу ноишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг
7,0 фоизини ташкил қиласди.

Коммунал қурилиш соҳасида 91,2 км. узунликдаги ичимлик суви, 1,5 км.
узунликдаги газ тармоқлари ишга туширилди, бу 2017 йил январь-сентябрига
нисбатан мос равиша 33,6 ва 17,0 фоизга камайган.

Ичимлик суви тармоқлари қурилишига 13692,2 млн. сўм, шундан аҳоли маблағлари ҳисобига 19,7 млн. сўм, давлат бюджети маблағлари ҳисобига 13672,5 млн. сўм, газ тармоқлари қурилишига эса аҳоли маблағлари ҳисобига 21,1 млн. сўм микдорида инвестициялар ўзлаштирилди.

Қурилиш фаолияти. 2018 йил январь-сентябрига 1325,7 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 104,4 фоизни ташкил этди.

Қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 66,8 фоизи бинолар ва иншоотларни қуриш бўйича қурилиш ишлари 11,8 фоизи фуқаролик қурилиши обьектларини қуриш бўйича қурилиш ишлари ва 21,4 фоизи ихтисослаштирилган қурилиш ишларига тўғри келди. Шу жумладан умумий ҳажмдан 73,2 фоизи янги қурилиш, реконструкция ва кенгайтириш ҳамда техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга тўғри келади.

Нодавлат мулкчилик шаклидаги ташкилотлар томонидан 1253,7 млрд. сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилиб, жами қурилиш ишлари ҳажмидаги улуши 94,6 фоизни (2017 йил январь-сентябрига нисбатан ўсиш суръати 103,5 фоизни) ташкил қилди.

**Январь-сентябр ҳолатига мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ташкилотларининг ўз кучлари билан бажарган қурилиш ишлари тақсимоти
(умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)**

